XALQ DEPUTATLARI OQOLTIN TUMAN KENGASHI
Q A R O R I

2022 - yil 4 - oktabr VI-75-149-9-122-K/22 Oqoltin tumani hokimligi

Тумандаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинларидаги қабристонларга ҳамда айрим такрорланган кўчаларга янги номлар бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2011-йил 12-октябрдаги “Географик обектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 16-октябрдаги 295-сон “Географик обектларнинг номлари то‘г‘рисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик обектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Оқолтин тумани Кенгаши **қарор қилади:**

1. Географик обектларга ном бериш ёки уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022-йил 05-апрелдаги 08-06379-сонли эксперт хулосаси ва 2022-йил 27-июлдаги 08-06379-сонли хатига мувофиқ туман ҳокимининг маҳаллалардаги айрим номсиз қабристонлар ҳамда такрорланган кўчаларга янги номлар бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларидаги қабристонлар ҳамда айрим такрорланган кўчаларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман статистика бўлими (Ш.Қурбонов), Кадастрлар палатаси Оқолтин тумани филиали (Н.Исмоилов), туман қурилиш бўлими (А.Қудратов) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари, туман

ҳокимлиги билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинидаги янгидан номланган қабристонларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Туман қурилиш бўлими (А.Қудратов), туман Ободонлаштириш бошқармаси (А.Куканов) ҳудудларда янги номланган географик обектларга номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Б.Юсупов), “Оқолтин овози” газетаси таҳририяти (А.Пардаев)га расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (А.Ҳайдаров) ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Р.Ахмедов)лар зиммаларига юклатилсин.

Sessiya raisi **D.Fazilov**

Халқ депутатлари Оқолтин туман
Кенгашининг
2022 йил 4 октябрдаги
VI-75-149-9-122-K/22-сон қарорига
1-илова

Оқолтин тумани ҳудудида номсиз қабристонлар ҳамда такрорланган кўчалар

Т/р	Географик обект тури	Жойлашган ўрни	Геогрефик обектнинг амалдаги номи	Берилаётган таклиф	Эксперт комиссиясининг хулосаси
1	Қабристон	Аҳиллик МФЙ	Номсиз	Биродарлик, Ҳаловат	Таклифлардан Биродарлик номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
2	Қабристон	Шодлик МФЙ	Номсиз	Мўминлар, Дўстлик, Бешюз қишлоқ	Таклифлардан Мўминлар номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
3	Кўча	Бўстон МФЙ	Янгиобод	Файзобод, Иқтидорлилар, Меҳроб	Таклифлардан Файзобод номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
4	Кўча	Кўркам диёр МФЙ	Сардоба	Давр, Ғунча, Соҳил	Таклифлардан Ғунча номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.
5	Кўча	Андижон МФЙ	Олмазор	Фидокор, Меҳнаткаш, Табобат	Таклифлардан Фидокор номи тавсия этилади. Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ.